Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

№ 33 (1601) 2026-YIL 21-AVGUST, JUMA

https:// adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

Ягона Ватан, ягона халқ, бўлиб,
янги ҳаёт ва келажак яратамиз!



ХОРАЗМ: тараққиётнинг янги босқичи

Воҳамиз тарих ва цивилизация бешиги, буюк алломалар юрти, меҳнаткаш ва бунёдкор халқ диёри. Бугун эса замонавий тараққиёт, янги иқтисодий имкониятлар ва улкан лойиҳалар майдонига айланиб бораётганини кўриб, янада фахрланяпмиз.



Содиқжон СОДИҚОВ,
“Адолат” СДП Хоразм вилояти кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати

Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи ҳам Хоразмнинг бугунги салоҳияти, эришган натижалари ва келгуси тараққиёт устувор йўналишларини белгилашда муҳим воқелик бўлди. Урганч халқаро аэропортининг янгиланиши, Хива билан боғловчи темир йўл тармоғи ва янги электропоезд қатновининг йўлга қўйилиши Хоразмнинг дунё билан алоқаларини янада кенгайтириб, иқтисодий, туристик ва инвестициявий салоҳиятини янги босқичга олиб чиқади.

Айниқса, Президентнинг “Тилло домор” корхонасидаги янги ишлаб чиқариш мажмуаси, Хоразм илғор касбий маҳорат техникуми ва Касблар шаҳарчасидаги фаолият билан танишуви муҳим бир ҳақиқатни кўрсатди: иқтисодий тараққиётнинг пойдевори – ишлаб чиқариш, унинг таянчи эса билимли ва малакали кадрлардир.

Бугун Хоразмда бу икки йўналиш уйғунлашмоқда. Янги корхоналар ташкил этилмоқда, иш ўринлари яратилмоқда, ёшлар замонавий касбларга ўқитилмоқда. Бу эса ислоҳотларнинг инсон ҳаётидаги натижаси. Сўнгги йилларда вилоятга 4 миллиард доллар хорижий инвестиция кириб келгани, 10 мингта янги қувват ишга туширилгани, “Ҳазорасп” махсус иқтисодий зонаси ва 31 та саноат зонаси ташкил этилгани Хоразм иқтисодиётидаги сифат ўзгаришларининг ёрқин кўрсаткичидир.

Бугун вилоят иқтисодиётининг 72 фоизини кичик бизнес яратаётгани, экспортда унинг улуши 81 фоизга етгани эса тадбиркорликка яратилган имкониятлар самарасини яққол кўрсатмоқда. Бу рақамлар ортида минглаб хоразмлик тадбиркорлар, ишчилар, муҳандислар ва ўз меҳнати билан юрт тараққиётига ҳисса қўшаётган инсонлар турибди.

Хоразмдаги ўзгаришларни транспорт ва туризм соҳасида ҳам яққол кўриш мумкин. Авиа қатновларининг 16 тадан 102 тага, темир йўл қатновларининг 8 тадан 41 тага етказилиши, “Тошкент – Хива” тезюрар поезднинг йўлга қўйилиши, “Урганч – Хива” янги автомобиль йўлининг ишга туширилиши ҳудудимизнинг иқтисодий ва туристик салоҳиятини янада оширмоқда.

Хивада “Арда Хива” мажмуасининг барпо этилиши, янги меҳмонхона ва меҳмон уйларининг ташкил қилиниши, халқаро туристик шаҳарча ҳамда “Саҳро юлдузи” мажмуасининг режалаштирилаётгани тарихий меросимизни замонавий иқтисодий имкониятга айлантириш борасидаги ишлар изчил давом этаётганидан далолат.

Хоразмнинг бугунги юксалиши – Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳудудлардаги амалий ифодаси.

Меҳнат қадрланса, МАСЪУЛИЯТ ОШАДИ

Дил сўзлари



Отахон МАШАРИПОВ,
“Адолат” СДП Хива туман кенгаши депутати,
Хива туманидаги “Чинобод қурилиш” хусусий корхонаси директори

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида давлатимиз раҳбари томонидан «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланганим – мен учун нафақат юксак шараф, балки кўп йиллик меҳнатимга билдирилган катта ишонч ва зиммамга юкланган янада улкан масъулиятдир.

Инсон учун энг катта эътироф – меҳнатининг қадр топиши, энг юксак шараф эса юрт ишончига сазовор бўлишдир. Шу боис ушбу мукофотни фақат шахсий меҳнатимга берилган баҳо эмас, балки йиллар давомида мен билан елкадош бўлиб меҳнат қилган жамоам, ҳамкорларим ва фаолиятимни қўллаб-қувватлаган юртдошларим хизматларининг ҳам муносиб эътирофи, деб биламан.

6

Фарғонада қўшалоқ байрам шодиёнаси





“Адолат” социал-демократик партияси вилоят кенгаши, Қўштепа тумани ҳокимлиги ҳамда “Марғилон саховати” хайрия ташкилоти ҳамкорлигида Қўштепа туманидаги “Волидам” тўйхонасида эҳтиёжманд оилаларнинг 60 нафар фарзанди учун хатна тўйи ташкил этилди. Бу шунчаки тўй эмас, меҳр-саховат, ҳамжиҳатлик, савоб, инсонийлик фазилатлари мужассамлашган эзгу тадбир бўлди.

4

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ – АСОСИЙ МЕЗОН



3

Yagona Vatan, yagona xalq bo‘lib, yangi hayot va kelajak yaratamiz!

t.me/Gazeta_Adolat
https:// adolat24.uz/
2026-YIL
21-AVGUST
№ 33 (1601)

Хоразмда давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати мазмунан янги босқичга кўтарилаётганини англатади. Энди гап фақат бизнес бошлаш учун кредит, имтиёз ёки енгиллик бериш ҳақида эмас. Асосий мақсад – тадбиркорга ўз ғоясини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, капиталини кўпайтириш, янги технологияларни жорий этиш, ташқи бозорларга чиқиш ва миллий бренд яратиш учун зарур бўлган яхлит муҳитни шакллантиришдан иборат.



ТАДБИРКОРГА БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТ – МАМЛАКАТ РИВОЖИГА БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТ

Озода ПАРПИБОЕВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

Президентимиз тадбиркорлар кўтарган масалалар асосида янги ташаббусларни эълон қилди. Биринчи йўналиш – тадбиркорлик учун барқарор ўсиш траекториясини таъминлаш. Бу ёндашувни “Бизнес старт”, “Бизнес лифт” ва “Бизнес юксалиш” дастурларида яққол кўриш мумкин. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳар бир босқичига мос равишда қўллаб-қувватлаш тизимининг яратилиши, айниқса, янги иш бошлаётган тадбиркорлар учун сунъий интеллект ёрдамида бизнес-режа, кредит ҳужжатлари ва ҳисоботларни тайёрлаш имконияти, 200 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилиши – тадбиркорга шунчаки маблағ эмас, билим ва имконият беришга қаратилган ёндашувдир. Бу мақсадларга 100 миллиард сўм йўналтирилиши ҳам ташаббуснинг кўламини кўрсатади.

Кичик бизнес учун энг оғриқли масалалардан бири бўлган гаров таъминоти бўйича “контр-кафолат” тизимининг жорий этилиши ҳам муҳим янгилик. 10 миллиард сўмгача бўлган кредитларда гаровнинг асосий қисмини давлат, бизнесни кафолатлаш компанияси ва банклар зиммасига олиши, тадбиркордан эса 25 фоиз гаров талаб қилиниши кўплаб истиқболли лойиҳалар учун молиявий эшикларни очиши мумкин.

Давлат активлари ва ерларидан самарали фойдаланиш бўйича белгиланган енгилликлар ҳам тадбиркорлик муҳитини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Давлат активини сотиб олишда аванс миқдорининг 30 фоиздан 15 фоизга туширилиши, тўловни муддатидан олдин амалга оширганларга чегирма бериш, айрим ҳолларда қолган суммани фоизсиз бўлиб тўлаш имконияти – тадбиркорнинг молиявий юкини енгиллаштиради.

Айниқса, ерни аукцион орқали олган тадбиркорнинг ойлаб ҳужжат йиғиб юришининг олдини олиб, ерларни қурилиш рухсати, архитектура-режалаштириш топшириғи ва лойиҳаси билан тайёр пакет сифатида савдога чиқариш амалиётини жорий этиш энг муҳим жиҳатлардан биридир. Чунки тадбиркорликда вақт ҳам капитал. Ортиқча бюрократик жараёнга сарфланган вақт – йўқотилган имкониятдир.

Энергетика соҳасидаги янгиликлар ҳам тадбиркорларнинг кундалик эҳтиёжидан келиб чиққан. Электр энергияси ва газ учун 100 фоиз олдиндан тўлов талабининг айланма маблағларга салбий таъсири инобатга олиниб, белгиланган шартларга жавоб берадиган корхоналар учун аванс миқдорининг 15 фоиз этиб белгиланиши бизнеснинг айланма маблағини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Мулоқотда тадбиркорликни келгуси босқичга олиб чиқадиган энг катта омиллардан бири сифатида сунъий интеллектга алоҳида урғу берилгани ҳам диққатга сазовор. “10 минг корхона учун – сунъий интеллект ҳамкор” дастурининг йўлга қўйилиши, СИ жорий қилиш харажатларининг 50 фоизини компенсация қилиш, янги маҳсулотлар учун сунъий интеллект моделларини яратишда суперкомпьютердан фойдаланиш имконияти – мамлакатимиз бизнесининг технологик рақобатбардошлигини оширишга қаратилган жиддий қадамдир.

Шунингдек, ташқи бозорга чиқишнинг барча босқичларида комплекс хизмат кўрсатадиган “экспорт навигатор” тизими йўлга қўйилади. Экспортчилар учун бу тизимнинг жорий этилиши, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотларни аниқлаш, миллий брендларни илгари суриш, маркетплейслар ва халқаро тендерларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича механизмларнинг белгиланиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бугун маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзи етарли эмас, уни дунё бозорига олиб чиқиш, харидор топиш, бренд яратиш ва халқаро стандартларга мослашиш ҳам шунчалик муҳим.

Учрашувнинг энг муҳим жиҳати ҳам шунда. Тадбиркорликка ёрдам бериш тушунчаси кенгаймоқда. Энди тадбиркорга фақат кредит бериш эмас, балки унинг бизнесини бошлашидан тортиб капиталини кўпайтириш, технология жорий этиш, кадр тайёрлаш ва экспортга чиқишгача бўлган жараёнларни қамраб оладиган яхлит экотизим яратилмоқда.

Бунинг учун зарур иқтисодий замин ҳам шаклланмоқда. Беш йилда бизнес учун кредит портфели қарийб уч карра ошиб, 450 триллион сўмга етган. Тадбиркорлар 650 триллион сўмлик солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланган. Корхоналарнинг асосий капиталга инвестициялари уч карра кўпайиб, 363 триллион сўмга етган. Саноати 100 миллион доллардан ошган туманлар сони 66 тадан 116 тага, хизматлар ҳажми 1 триллион сўмдан ошган туманлар сони эса 41 тадан 152 тага етган.

Шу билан бирга, мулоқотда тадбиркорнинг фақат иқтисодий эмас, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам ҳимояланган муҳитда ишлаши масаласига катта эътибор қаратилди.

Кичик бизнес учун айрим текширувларга уч йиллик мораторий, биринчи хато учун огоҳлантириш, жарималарни ўртача икки баробар камайтириш, тадбиркор ва давлат ўртасидаги низоларда “тадбиркорнинг ҳақлилик презумпцияси”ни жорий этиш, давлат хизматларининг 50 фоизини “сукут – розилик” тамойилига ўтказиш, 30 дан зиёд лицензия ва рухсатномани бекор қилиш ҳамда яна 35 тасини бериш муддатини қисқартириш – буларнинг барчаси бизнес муҳитида ишончни мустаҳкамлашга қаратилган.

Мен бу масалани муҳим деб биламан. Чунки тадбиркорга берилган иқтисодий имконият ҳуқуқий кафолат билан бирга борсагина самара беради. Инвестор ҳам, тадбиркор ҳам эртанги кунда қандай қоида асосида ишлашини, ўз мулки ва инвестицияси қанчалик ҳимояланганини аниқ билса, катта лойиҳаларга қўл уради.

Айнан шу нуқтада бугунги ислоҳотлар “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурий мақсадлари билан ҳамоҳанг эканини кўриш мумкин.

Партиямизнинг 2024–2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” ғояси илгари сурилган. Унда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий фаоллик учун тенг имкониятлар яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, мулк ҳуқуқини кафолатлаш, бюрократик тўсиқларни камайтириш ва инсон манфаатларига хизмат қиладиган иқтисодий сиёсатни кучайтириш каби устувор вазифалар белгиланган.

Бугун тадбиркорларга яратилаётган шароитлар ана шу ғояларнинг мазмунини бойитмоқда. Зеро, “Адолат” учун тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш – айрим бизнес субъектларига имтиёз беришдан иборат эмас. Биз учун муҳими – ҳар бир фуқаронинг ўз қобилияти, билими ва меҳнати билан иқтисодий фаол бўлиши учун тенг имконият яратиш.

Кимдир катта корхона қуриши мумкин, кимдир маҳаллада оилавий бизнес бошлайди. Кимдир замонавий технология асосида маҳсулот ишлаб чиқаради, яна кимдир хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш ўринлари яратади. Бугуннинг вазифаси – ана шу ташаббусларнинг қонуний ва адолатли муҳитда ривожланиши учун шароит яратиш.

Шу маънода, тадбиркорликка берилган имкониятлар ижтимоий адолат нуқтаи назаридан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки тадбиркорнинг янги корхонаси – янги иш ўрни. Янги иш ўрни – оила даромади. Оила даромади – маҳалла фаровонлиги. Маҳалла фаровонлиги эса, албатта, жамият барқарорлигининг муҳим кафолатидир. Демак, мулоқотдан яна бир муҳим хулоса чиқариш мумкин. Ўзбекистон тадбиркорликни ўстириш, рақобатни кучайтириш, капитални кўпайтириш ва жаҳон бозорига чиқиш босқичида ўз тараққиёт йўлини белгилади. Бу – иқтисодий сиёсатдаги сифат ўзгаришининг намоён бўлиши.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида босиб ўтган йўлимизга назар ташлар эканмиз, тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар алоҳида эътиборга лойиқ. Айниқса, сўнгги ўн йиллик мамлакат соғлиқни сақлаш тизими учун туб бурилишлар даври бўлди. Бу даврда тиббиётга муносабат ҳам, уни бошқариш фалсафаси ҳам ўзгарди. Илгариги “касал бўлганда даволаш” тамойили ўрнини “касалликнинг олдини олиш, уни эрта аниқлаш ва инсонга яқин жойда тиббий ёрдам кўрсатиш” ғояси эгаллай бошлади.

Муҳаррам ДАДАХЎЖАЕВА,
“Адолат” СДП
Тошкент шаҳар кенгаши раиси



Тиббиётдаги ислоҳотларни катта рақамлар, янги бинолар ёки замонавий аппаратлар билангина ўлчаб бўлмайди. Уларнинг ҳақиқий мезони – оддий инсон ҳаётидаги ўзгаришлар билан ўлчанади. Мисол учун қишлоқда яшаётган бемор илгари мураккаб текширув учун вилоят марказига, баъзан эса Тошкентга боришга мажбур бўлган, бугун эса юқори технологияли диагностика ва даволаш усулларининг катта қисми ҳудудларнинг ўзида бажарилмоқда.

Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасига 230 триллион сўм йўналтирилиб, ҳудудларда 187 та янги поликлиника ва шифохона ишга туширилган, 1 244 та муассаса реконструкция қилиниб, жиҳозланган. Бирламчи тиббиёт муассасалари қуввати 60 фоизга ошган, илгари асосан пойтахтда бажарилган 400 дан ортиқ юқори технологияли диагностика ва даволаш усуллари ҳудудларга туширилган. Биринчи марта 45 та туманда буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Тиббиётдаги бу ўзгаришларни миллионлаб одамларимиз ўз ҳаётида ҳис этмоқда, халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Бу шунчаки статистика эмас. Бу рақамлар ортида юз минглаб беморларнинг йўл азобидан, ортиқча харажатдан, вақт йўқотишдан халос бўлгани, энг муҳими, ўз вақтида тиббий ёрдам олиш имконияти пайдо бўлгани мужассам.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги энг муҳим ўзгаришлардан яна бири – бирламчи тиббий ёрдамни кучайтириш бўлди. Чунки замонавий тиббиётнинг энг тўғри йўли касалликни охирги босқичга етказиб, қиммат ва мураккаб операция қилиш эмас. Энг тўғри йўл – хасталикни барвақт аниқлаш. Сўнгги беш йилда тиббиётни аҳолига яқинлаштириш мақсадида ташкил этилган оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва маҳалла тиббий пунктлари сони 4 600 дан ошди. Қисқа қилиб айтганда, бу рақамларнинг ҳар бири ортида битта оддий ҳақиқат бор, шифокор инсоннинг эшигига яқинлашмоқда.

Тиббиётда ислоҳотларнинг натижасини инсон, энг аввало, тез тиббий ёрдамда ҳис қилади. Сўнгги йилларда бу тизимда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. 2017 йилда мамлакатда 818 та тез тиббий ёрдам шохобчаси фаолият кўрсатган бўлса, 2024 йилга келиб уларнинг сони 1 766 тага етди. Тез тиббий ёрдам бригадалари 1 648 тадан 2 838 тага, реанимобиллар эса 24 тадан 510 тага кўпайди. Тизимдаги автотранспорт воситаларининг 80 фоизи янгиланди. Хизмат кўрсатиш радиуси шаҳарларда 25-30 километрдан 9-12 километрга қисқарди. Барча ҳудудларда тез тиббий ёрдамни электрон автоматлаштирилган бошқариш тизими жорий этилди.

Қолаверса, ҳар қандай давлатнинг эртанги кунини унинг бугунги авлоди саломатлиги белгилайди. Шу маънода она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш сўнгги йилларда тиббиёт ислоҳотларининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Ҳомиладор аёлларни мунтазам назорат қилиш, перенатал ва неонатал скрининг, туғма касалликларни эрта аниқлаш, чақалоқлар саломатлигини назорат қилиш бўйича тизимли ёндашув кучайтирилди.

Шу билан бирга, бирламчи бўғинда аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларни соғломлаштириш ишлари ҳам кенгайган. 8 500 нафар доянинг тиббий бригадалар таркибига киритилиши оналар ва чақалоқларга патронаж хизматини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Бу ерда эътиборли жиҳат тиббиётнинг инсон ҳаётига ҳали дунёга келмасдан туриб ғамхўрлик қила бошлаганидир. Бола туғилганидан кейин даволашдан кўра, унинг соғлом туғилишини таъминлаш, туғма касалликларни эрта аниқлаш ва асоратларнинг олдини олиш тиббиётнинг энг катта ютуғи саналади.

Сўнгги ўн йилликда ҳаётимизнинг деярли барча соҳаларига рақамли технологиялар кириб келди. Тиббиёт ҳам бундан мустасно эмас. Электрон тиббий ҳужжатлар, электрон рецепт, электрон йўлланма, тиббий маълумотларни интеграциялаш, тез тиббий ёрдамни автоматлаштириш – буларнинг барчаси битта мақсадга хизмат қилди, шифокорнинг қоғозбозлигини камайтирди ва уни бемор билан кўпроқ ишлашга яқинлаштирди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари сифатида бирламчи тиббий ёрдамни трансформация қилиш, тиббиётни молиялаштириш тизимини ислоҳ этиш ва рақамли соғлиқни сақлашни ривожлантиришни қайд этган. Бу жараён 2018 йилдаги қонунчилик асосларидан бошланиб, 2021 йилда Сирдарё вилоятида пилот лойиҳа сифатида амалиётга киритилди. Демак, рақамлаштириш шунчаки “замонавий кўриниш” эмас. У тиббиётда қарор қабул қилишни маълумотга, назоратни аниқ мезонларга, хизматни эса бемор эҳтиёжига яқинлаштириш воситасидир.



Умуман олганда, Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги – фақат ортга қараб, эришилган натижаларни санайдиган сана эмас. Бу, айни пайтда, келгуси марраларни белгилайдиган палла. Зеро, тиббиётда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти бугунги натижалар билан чекланиб қолмайди. Уларнинг асл мақсади – инсон саломатлигини муҳофаза қилишнинг янада самарали, замонавий ва аҳоли учун қулай тизимини шакллантиришдир.

Бугун тиббиёт соҳасида яратилаётган янги имкониятлар, замонавий технологиялар, рақамли хизматлар ва ҳудудларда кенгайиб бораётган юқори малакали тиббий ёрдам, аввало, инсон қадрини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, бу жараёнда тиббиётнинг марказида муассаса ёки технология эмас, инсон ва унинг саломатлиги турибди.

Албатта, олдинда ҳали қатор вазифалар бор. Тиббий хизмат сифатини янада ошириш, уни барча учун бирдек қулай ва ҳамёнбоп қилиш, профилактика ва эрта диагностика самарадорлигини кучайтириш, малакали тиббий кадрлар салоҳиятини юксалтириш, замонавий технологияларни ҳудудларга янада кенг жорий этиш – янги босқичдаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари бўлиб қолади.





АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ – АСОСИЙ МЕЗОН

Жойларга депутат келганда “муаммомиз йўқ, ҳаммаси жойида” деб хўжакўрсинга ҳисобот бериш мутасаддилар учун ўзини алдашдан бошқа нарса эмас. Аксинча, масалани яширмай, борича ўртага ташлаши керак. Токи депутат ўз ваколати, имкониятларини ишга солиб, бунга аниқ ва манзилли ечим топиб берсин. Халқ вакилининг жойларга чиқишидан кутилган асосий натижа ва мантиқ ҳам айнан шунда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Наримон Умаровнинг Тошкент вилояти Бўка туманига амалга оширилган галдаги хизмат сафари ҳам туман ҳокимлигида ана шундай мулоқотдан бошланди.

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ,
“Адолат” СДП Марказий аппарати етакчи мутахассиси

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” ЛОЙИҲАЛАРИ НЕГА ПАЙСАЛГА СОЛИНМОҚДА?

Учрашувда партиянинг вилоят кенгаши масъуллари, туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Ортиқбой Ҳамдамов, ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Одил Жўраев ҳамда туман кенгаши котибияти мудири Абдухалил Нишонов иштирок этдилар.

Мулоқот чоғида Бўка туманини “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)” мақоми асосида аҳолининг яшаши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали ҳудудга айлантириш белгиланган айтилди. Шу доирада ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва мавжуд имкониятлар атрофлича кўриб чиқилди. Наримон Умаров Бўка юксалиши ва аҳоли фаровонлигини оширишда депутатлик ваколатларидан самарали фойдаланишга тайёрлигини билдирди.

Суҳбат давомида “Ташаббусли бюджет” дастури доирасида ғолиб, деб топилган айрим лойиҳалар ижросида жиддий муаммолар юзага келаётгани маълум бўлди. Хусусан, ғолиб лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур маблағлар ўтказиб берилган бўлса-да, қурилиш ва таъмирлаш ишларига пудрат ташкилотлари ўз вақтида жалб этилмаган ёки танлов (тендер) жараёнлари пайсалга солинган. Маблағ бўла туриб, амалий ишлар ҳалигача бошланмаяпти. Шу билан бирга, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Вазиятни атрофлича ўрганган Наримон Умаров бу каби сусткашликка йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади. Пудрат ташкилотларини тезкорлик билан жалб этиш, ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ва сифатли ўзлаштирилишини таъминлаш ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгаши мажлисида масъуллар фаолиятига холис баҳо бериш зарурлигини айтди.

“КЎМАК” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Халқимизда бирон бир иш ёки муҳим воқеа олдидан оқ йўл, хайр сўраб, дуо олишдек гўзал анъана бор. Бўканинг “Янгиҳаёт” маҳалласида барпо этилган “Laboratory of Languages” замонавий ўқув марказининг очилиш маросими ҳам ана шундай файзли муҳитда кечди. Туман мутасаддилари Наримон Умаровни ушбу янги масканга таклиф этиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг бевосита иштироки ёшлар учун мотивация бўлишини таъкидладилар. Маълумот ўрнида, муассаса Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармасининг “Кўмак” лойиҳаси доирасида ажратилган имтиёзли ссуда маблағлари ҳисобидан жиҳозланиб, фойдаланишга топширилди.

Бу ерда ёшларнинг хорижий тилларни пухта ўрганиши, билим ва кўникмаларини ошириши ҳамда меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассис бўлиб етишишлари учун барча имкониятлар яратилган. Ўқитувчи-менторлар жамоаси ҳамда ўқувчи йигит-қизлар билан мулоқотда бўлган Наримон Умаров туманда ёш авлод таълими ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган бу каби лойиҳаларни изчил давом эттириш кераклигини қайд этди.

“ЕТТИЛИК” БИЛАН МУЛОҚОТ, МУАММОЛАР ЕЧИМИ, ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАР

Жойлардаги янгиланишлар ва аҳоли кайфиятини ўрганишда маҳалла институтининг ўрни беқиёс. Шу сабабли, депутат ҳам ушбу хизмат сафарида “маҳалла еттилиги” фаолияти, уларнинг ишни тўғри ва самарали ташкил этаётганига алоҳида эътибор қаратди. Наримон Умаров “Дўстлик” маҳалласида бўлиб, маҳалла фаоллари билан мулоқот ўтказди. Маълумот учун, “Дўстлик” МФЙдаги 14 та кўчада жойлашган 964 та хонадонда 1 271 та оила, 4 334 нафар аҳоли истиқомат қилади. Мулоқот чоғида фуқаролар мурожаатларини ҳал этиш, қонун устуворлигини таъминлаш ва соҳада дуч келинаётган тўсиқлар муҳокама қилинди.

– *Бугунги кунда ҳар бир соҳада тараққиётнинг асосий омили ишга янгича ёндашувдир,* – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Наримон Умаров. – *Замонавий технологиялардан фойдаланиш, ташаббускорлик кўрсатиш ва ҳар бир вазифани масъулият билан бажаришгина юқори натижа беради. Аҳолининг ҳақли эътирозларини тинглаш ҳамда уларга манзилли ва ҳуқуқий ечим топиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.*

Депутат ва мутасаддилар томонидан бир қатор фуқароларнинг мурожаатлари эшитилди. Хусусан, “Олтиш” МФЙ, “Чиғалтой” кўчасида яшовчи фуқаро Абдуқаюм Маматқулов кадастр масаласида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. У 2020 йилда маҳалла ҳудудидан ер сотиб олиб, янги ҳовли-жой қурган, аммо тегишли рухсатнома ва ҳужжатлар ўз вақтида расмийлаштирилмаган.

Шу сабабли уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари чалкаш тузилган. Фуқаро ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойларни рўйхатга олишга доир Президент фармони ижроси доирасида кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун малакали ҳуқуқшунос ёрдамига эҳтиёж сезаётгани, бироқ моддий имконияти чеклангани билдирди. Халқ вакили мурожаатни шу ернинг ўзида атрофлича ўрганиб, унга юридик хизмат кўрсатувчи мутахассисни бириктиради бўлди.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ ҳудуддаги Турсуной она хонадонига борди. Маълумки, маҳаллаларда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва ёш авлодга сифатли таълим-тарбия бериш шароитларини кенгайтириш – бугунги ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Бу ерда ташкил этилган оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти эса бунинг амалий ифодаси. Муассасада болажонларнинг таълим-тарбия олиши ва соғлом ўсиши учун яратилган шарт-шароитлар билан танишилиб, оилавий боғчалар тармоғини янада кенгайтириш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Туманнинг “Наврўз” маҳалласидаги бугунги ҳолат, ижтимоий ва иқтисодий истиқболлар ҳам муҳокама марказида бўлди. Наримон Умаров “еттилик” билан мулоқотда аҳоли мурожаатларининг ижроси, “хонадонбай”, шунингдек, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлашдаги муаммоларга мақбул ечимлар излади. Жараёнда маҳалла идорасининг ўзидаги қатор маиший камчиликлар кўзга ташланди. Масалан, идора жойлашган бино пастқам бўлиб, таъмирталаб ҳолатга келиб қолган.

Фуқаролар мурожаатларини тинглаш ва қабул қилишнинг муайян мезонлари мавжуд бўлса-да, бу ерда шароит етарли эмас – хоналар торлиги сабабли фуқаролар келганида ходимлар ташқарига чиқиб туришга мажбур бўлмоқда. Ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан жойида аниқ чоралар белгиланди. Депутат ва мутасаддилар бошчилигида бинони косметик таъмирлаш, шунингдек, ёндош хонани ҳам маҳалла идораси тасарруфига ўтказиш бўйича келишиб олинди.

Бу “еттилик” аъзоларига муносиб иш шароитини яратиш билан бирга, аҳоли қабулини тартибли ва қулай ташкил этиш имконини беради. Ўрганишларнинг кейинги босқичи хонадонларда давом этди. Айрим уйларнинг олд қисмида бўш жойлар борлиги ва улар қаровсиз ҳолда ташлаб қўйилгани маълум бўлди. Мулоқот чоғида озгина ҳафсала ва меҳнат билан ушбу бўш ётган майдонларни оила учун яхшигина даромад манбаига айлантириш мумкинлиги тушунтирилди. Уй эгалари буни тўғри қабул қилиб, яқин орада тартибга келтириш ва ундан унумли фойдаланишга ваъда беришди.

Шу маҳалладаги Жаҳонгир Садирбоевнинг ҳовлисига қадам босганингизда эса кайфиятингиз кўтарилади. Биз ҳам оила вакиллари ҳовлида ерёнғоқни тозалаб, бозорга тайёрлаш жараёни устидан чиқдик. Англадикки, бу ерда уддабуролик ва меҳнатсеварлик муҳити ҳукмрон. Хонадон эгаси ердан шунчаки фойдаланибгина қолмай, уни яхшигина даромад манбаига айлантирган. Томорқада маккажўхори ва ловия етиштирилмоқда, шунингдек, малина, қулупнай, помидор, булғор қалампири, райҳон ва манзарали гуллар экилган. Бундан ташқари, асалари оилалари, ўрдак, курка, чорва моллари парваришланиши йўлга қўйилган. Натижада оила аъзолари маош кутиб ўтирмай, ҳаракат ва меҳнат орқали рўзғорини бут қилиб, фаровон турмуш кечирмоқда.

Албатта, маҳалладаги барча хонадонларни бирданига бу даражага олиб чиқиш осон кечмайди. Аммо ҳеч бўлмаганда ҳар уч-тўртта хонадондан бири Жаҳонгир аканинг тажрибасини оммалаштирса, томорқа маданиятини шакллантирса, оилалар бюджети мустаҳкамланади. Бугунги кунда маҳаллаларда фаолият олиб бораётган вакиллар, фаоллар айнан мана шундай ҳаётий тажрибаларни оммалаштириши зарурлиги айтилди. Агар ҳар бир оила ўз ихтиёридаги ер майдонига меҳр бериб, ундан оқилона фойдаланса, бу нафақат хонадонларга тўкин-сочинлик олиб келиши, балки бозорларда озиқ-овқат маҳсулотлари арзонлиги ва мўл-кўллигини таъминлашга ҳам ҳисса қўшиши таъкидланди.

Ўрганишлар якунида мулоқотлар давомида билдирилган таклифлар, аниқланган муаммолар ва уларнинг ечими бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси депутатлик назоратига олинди.



ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИ қандай самара бермоқда?

Сарвар ЭРГАШЕВ,
“Адолат” СДП Марказий аппарати бошқарма бошлиғи

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг фаолияти жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этиш, давлат органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ҳамда аҳоли манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутади. “Адолат” СДП фаолиятига назар ташласак, 2026 йилнинг 1-ярим йиллиги якунлари мазкур йўналишда сезиларли натижаларга эришилганини кўрсатмоқда.



Ҳисобот даврида партия депутатлари томонидан жами 1528 та депутатлик сўрови юборилди. Эътиборлиси, уларнинг 74,1 фоизи, яъни 1133 таси ижобий ҳал этилди. Бу эса депутатлик сўровлари нафақат расмий мурожаат, балки аҳолини қийнаётган масалаларга амалий ечим топишнинг самарали воситасига айланаётганини англатади.

Депутатлик назоратининг муҳим механизмларидан бири сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш амалиёти ҳам фаол қўлланилди. Ўтган давр мобайнида партия депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 178 марта мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилди. Бу орқали ижро интизоми мустаҳкамланиб, масъул раҳбарларнинг жавобгарлиги янада оширилди.

Шунингдек, партия депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссияларига 193 та, Кенгашлар сессиялари кун тартибига эса 194 та масала киритилди. Ушбу масалалар муҳокамаси натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъулларга аниқ топшириқлар берилиб, қабул қилинган қарорлар ижроси назоратга олинди.

Ҳудудлар кесимида ҳам фаоллик юқори бўлди. Депутатлик сўровлари сони бўйича Самарқанд, Сирдарё, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Фарғона ҳудудлари етакчилик қилди. Мансабдор шахслар ҳисоботларини эшитиш бўйича эса Қашқадарё вилояти алоҳида фаоллик кўрсатди. Доимий комиссиялар ва Кенгашлар сессияларига масалалар киритишда ҳам бир қатор ҳудудларда депутатлик гуруҳлари ташаббускорлик намоён этди.

Партиянинг 2026 йилга мўлжалланган иш режасидаги **Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда нарх-навони сунъий кўтаришга қаратилган хатти-ҳаракатлар юзасидан депутатлик назоратини ўтказиш ва натижасини халқ депутатлар маҳаллий Кенгаши муҳокамасига киритиш** белгиланган бўлиб, ушбу масалада партия депутатлик гуруҳлари томонидан **доимий комиссияларга 18 та масала** (Амударё, Андижон, Асака, Боёвут, Гурлан, Избоскан, Когон, Қўшкўпир, Норин, Нукус, Тупроққалъа, Ҳазорасп, Хива, Хонқа, Шовот, Янгибозор туманлари ва Когон, Урганч шаҳарлари) киритилишига эришилди. Ушбу масала юзасидан **Кенгашлар сессияларига эса 5 та масала** (Андижон, Гурлан, Тупроққалъа, Шовот туманлари ва Когон шаҳри) киритилди.

Шунингдек, иш режа ижроси юзасидан **Маҳаллаларда кам таъминланган аҳоли хонадонларига давлат субсидияси асосида қуёш панеллари ўрнатилиши аҳволини депутатлик назорати тартибида ўрганиш ва натижасини халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши муҳокамасига киритиш белгиланган бўлиб,** ушбу масала юзасидан **доимий комиссияларга 9 та масала** (Амударё, Зафаробод, Кегейли, Когон, Қораўзак, Ромитан, Тупроққалъа, Фарғона, Янгибозор туманлари), **Кенгашлар сессияларига эса 2 та масала** (Кегейли, Ромитан туманлари) киритилди.

2026 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари шуни кўрсатадики, партия депутатлик гуруҳлари фаолияти жойларда қонунлар ижросини таъминлаш, аҳоли мурожаатларига ечим топиш ва давлат органлари масъулиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса “инсон қадри” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш ва маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

t.me/Gazeta_Adolat
https://adolat24.uz/
2026-YIL
21-AVGUST
№ 33 (1601)

Саховат – беназир қадрият



ФАРҒОНАДА қўшалоқ байрам шодиёнаси

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида Фарғонада аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда эзгу қадриятларни тарғиб этишга қаратилган хайрия тадбири ўтказилди.

Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
“Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

“Адолат” социал-демократик партияси вилоят кенгаши, Қўштепа тумани ҳокимлиги ҳамда “Марғилон саховати” хайрия ташкилоти ҳамкорлигида Қўштепа туманидаги “Волидам” тўйхонасида эҳтиёжманд оилаларнинг 60 нафар фарзанди учун хатна тўйи ташкил этилди. Бу шунчаки тўй эмас, меҳр-саховат, ҳамжиҳатлик, савоб, инсонийлик фазилатлари мужассамлашган эзгу тадбир бўлди.

Тантанада “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Ислом Ҳамроев сўзга чиқиб, тўйболалар ва уларнинг оила аъзоларини самимий муборакбод этиб, жумладан, шундай деди:

– Шу муҳташам кошонада жам бўлган 60 нафар тўйбола, уларнинг суянчи бўлмиш ота-оналари ҳамда ёши улуғ, нуроний бобо-бувиларининг қувончига шерик бўларканман, бир нарсани чуқур ҳис қилдим, ушбу тадбир орқали 60 та хонадонга меҳр ва эътибор кириб борди. Бу каби хайрли анъаналар элнинг дуосини олиш, жамиятимизда саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкилотчилар ҳамда партиямиз фаоллари томонидан ўтказиб келинмоқда. Ўйлайманки, болажонларимиз келажакда Ватанимиз довруғини дунёга таратувчи, эл-юрт корига ярайдиган баркамол инсонлар бўлиб вояга етадилар.

Шунингдек, **Қўштепа туман ҳокими Анваржон Абдуллаев** ва бошқалар болажонлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини қўшалоқ шодиёна билан самимий табриклаб, тўйболаларнинг келгусида Ватани учун муносиб, эл-юрт корига ярайдиган фидойи инсонлар бўлишларига ишонч билдирдилар.

Хонанда ва созандаларнинг дилрабо куй-қўшиқлари болажонлар ва уларнинг яқинлари қалбига олам-олам қувонч бахш этди. Айниқса, “Адолат” партияси фаоллари ва ҳомийларнинг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари тўйболаларни қувонтирди.

БОЛАМГА ТЎЙ ҚИЛИБ БЕРОЛМАГАНДИМ...

– Инсон тақдир синовлари олдида ожиз. Аёл бошим билан турли синовларга дош бердим, **– дейди тумандаги “Баланд масжид” маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳалимахон Аҳмедова.** *– Ёлғиз бошим билан фарзандларимни катта қилиш учун кунларни тунларга улаб меҳнат қиламан. Аммо ўғлим Муҳаммадаюбнинг “Ойи, қачон менинг тўйим бўлади?” деган саволига жавоб топишим қийин эди. Дунёда хайр-саховатли, савобталаб инсонлар борлигига шукроналар айтаман. Бугун кўплаб эҳтиёжманд оилалар фарзандлари қатори энг чиройли, ҳашаматли тўйхонада болажонимнинг ҳам тўйи бўляпти! Машҳур санъаткорлар, таниқли инсонлар болажонимни табриклаб, яхши тилаклар билдиришяпти. Қувонч ёшларимни тия олмаяпман... Минг раҳмат... Ният қилдим, ўғлимни яхши олийгоҳларда ўқитиб, халқимиз корига ярайдиган саховатпеша, содиқ фарзанд қилиб тарбиялайман.*

САХОВАТГА НЕ ЕТСИН

“Адолат” СДПнинг “Саховат – беназир қадрият” лойиҳаси доирасида Фарғонада ҳар йили жуда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ёзёвонда 1 нафар фуқарога уй қуриб топширилди, Сўх, Риштон туманларида эҳтиёжманд оилаларнинг уйлари мукаммал таъмирлаб берилди. Ўтган ойда депутатлар бошчилигида ҳомийлар кўмаги билан Сўх туманидаги “Навобод” маҳалла фуқаролар йиғини Малбут қишлоғида истиқомат қилувчи сел тошқинларидан зарар кўрган оилалар учун зарур уй жиҳозлари тарқатилди.

– Бу каби хайрли ишларимиз кўп, **– дейди партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари Орифжон Ўлмасов.** *– Бугунги тўй ҳам партия фаоллари, депутатларнинг маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамнафас эҳтёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эзгу мақсадларимизнинг яққол ифодасидир. Бу борада партия фаоли, “Марғилон саховати” хайрия ташкилоти раҳбари Аъзамжон Аҳмаджоновга миннатдорлик билдирамиз.*

БОЛАЖОНЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

– Инсондан фақат яхшилик қолади. Бир инсонга қувонч бахш этишдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак. Ҳар йили 50-60 нафар болажонларга суннат тўйи қилиб бериш биз учун анъанага айланиб қолган, **– дейди партия фаоли, “Марғилон саховати” хайрия ташкилоти раҳбари Аъзамжон Аҳмаджонов.** *– Бу йилги тўй тадбирларида ҳам ҳамкорларимиз қатори ҳомийларимизнинг кўмаги катта бўлди. “Волидам” тўйхонаси жамоаси ўзининг беминнат хизматини таклиф қилди, ҳатто тақдир синовларини матонат билан енгиб, I гуруҳ ногиронлигига қарамай, ўз тадбиркорлигини музқаймоқ дўконида олиб бораётган Каримжон укамиз ҳам бу хайрли ишдан четда қолмади.*

Тўй ҳақида эшитиб, боши кўкка етаётган болажонларнинг қувончини таърифлаш қийин. Уларни тўй арафасида тўйболалардек кийинтириш учун савдо марказларига олиб бордик. Тўйболаларнинг шодлиги, қувончининг чек-чегараси йўқ.

“КАТТА БЎЛСАМ ОДАМЛАРГА ЯХШИЛИК ҚИЛАМАН...”

– Бугун катта тўйхонада тўйим бўлди. Ўртоқларимнинг тўйи бўлса, жуда ҳавасим келарди. Менинг ҳам тўйим бўлишини ойимга айтолмасам ҳам ўзимча роса орзу қилардим. Орзуйим амалга ошди... Менга амакилар велосипед совға қилишди. Жуда ҳам хурсандман, **– дейди тўйболалардан бири Муҳаммадобид Абдулҳодиев.** *– Катта бўлсам катта тадбиркор бўламан. Одамларга яхшилик қиламан. Ўртоғим Муҳаммаджон ҳам хурсанд. У катта бўлса, прокурор бўлмоқчи.*

“ХАЙРЛИ ИШНИНГ САВОБИ МЎЛ”

– Бугун Бахтиёржонимдан қолган ёдгорим Муҳаммаджоннинг ҳам тўйи. Елкамиздан тоғ ағдарилди. Маҳаллада суннат тўйи бўлса болам маҳзун бўлиб уйга қайтарди. “Буви, менинг тўйим қачон бўлади?”, деб. Бола-да, базўр рўзғорни тебратаётган оила учун тўй қилиш осонми? Ниҳоят, болажонимнинг орзуси амалга ошди. Шу савоби мўл хайрли ишга бош бўлган, ўз ҳиссасини қўшганлар асло кам бўлмасин. Ҳамиша элда азиз бўлсин, **– дейди тўйболанинг бувиси Каримахон Обидова.**



Ҳа, истиқлолимизнинг 35 йиллиги арафасида Фарғонадаги қўшалоқ шодиёна кўтарини руҳда, қувончу шодликларга тўла ҳолда ўтди. Бир сўз билан айтганда, мазкур хайрия тадбири жамиятда меҳр-оқибат, саховат ва ҳамжиҳатлик каби инсоний фазилатларни янада мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишларнинг амалий ифодаси бўлди.



ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Бугунги тараққиёт ва инсон қадри тамойилининг амалий ифодасини одил суд-ҳуқуқ тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки адолатли суд фуқароларнинг давлат ва қонун устуворлигига бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган энг муҳим институтдир. Партиямизнинг бош мақсади ҳам айнан ҳар бир фуқаро учун одил судловнинг оммабоплиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган.

Муносабат

Тоҳир ПОЛВОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси



“Одил судлов – 2030” стратегиясида белгиланган 57 та вазифа, 2026–2028 йилларга мўлжалланган 160 та аниқ чора-тадбир ҳамда 2030 йилгача эришилиши кўзда тутилган 33 та мақсаднинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратсак, ислоҳотлар марказида шунчаки фаолият юритувчи бюрократик тизим эмас, айнан инсон ва унинг манфаатлари турганини кўрамиз.

Стратегия тақдим этаётган асосий афзалликлар ва муҳим ўзгаришлар салмоқли. Хусусан, фуқаронинг судга нотўғри мурожаат қилгани учун сарсон бўлишига чек қўйилади. Масъул суднинг ўзи мурожаатни тегишли инстанцияга йўналтиради ва аризадаги жузъий камчиликларни бартараф этишда фуқарога амалий кўмак беради.

Ҳудудлараро судларнинг ташкил этилиши ҳамда фуқаролик судларининг туман ва шаҳарлар даражасида янада яқинлаштирилиши одил судловдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Бу ҳудудларда яшовчи аҳолининг пойтахтга қатнаш билан боғлиқ вақт ва харажатларини кескин камайтиради.

Иқтисодий фаоллик ва инвестициявий муҳит учун фақат қонунлар мавжудлиги етарли эмас – тадбиркор ўз ҳуқуқлари кафолатланганига тўлиқ ишониши шарт. Стратегияга киритилган “Иқтисодий ишларни проактив бошқариш” стандарти бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва мулк ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Жиноят ишларида “асосли гумон” стандартининг жорий этилиши принципиал аҳамиятга эга. Шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай қарор сўзсиз етарли ва инкор этиб бўлмайдиган ҳуқуқий асосларга таяниши шарт.

Очиқ “Прецедентлар реестри”нинг юритилиши орқали мамлакатнинг қайси ҳудудида бўлишидан қатъи назар, бир хилдаги процессуал ишлар бўйича ягона ва адолатли ёндашув шаклланади.

“Рақамли суд” тизимининг тўлиқ ишга туширилиши, электрон мурожаатлар улушининг ошиши ҳамда суд мажлисларининг мажбурий аудио-видео қайд этилиши жараёнларнинг тезкорлиги ва очиқлигини, суд аъзоларининг эса масъулиятини оширади.

Стратегиянинг энг асосий ютуғи – у суд тизимини шунчаки институционал жиҳатдан эмас, балки фуқаронинг судга бўлган муносабати ва ишончи нуқтаи назаридан тубдан ўзгартиради.

Кафолатланган адолат, очиқ мулоқот ва қонун устуворлиги – партиямиз илгари сураётган ғояларнинг амалий ифодаси бўлиб, жамиятимизда фаровонлик ва тенгликни қарор топтиришга хизмат қилади.

“Одил судлов – 2030”: Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилувчи халқчил ва адолатли суд тизимини барпо этиш стратегияси тўғрисида”ги фармон мамлакатимизда қонун устуворлиги ва инсон қадрини улуғлаш борасидаги ислоҳотларни сифат жиҳатидан янги, юксак босқичга олиб чиқади.



Мансуржон ҲАМИДОВ,
“Адолат” СДП Навоий вилояти кенгаши раиси

Фармонда “халқчил суд” тамойили алоҳида белгиланяпти ва бу ҳаммамиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Негаки, биз судни фақатгина қарор чиқарувчи идора эмас, балки инсон ўз топталган ҳуқуқини тиклаш учун ишонч билан мурожаат қиладиган, дарди эшитиладиган ва қонуний ҳимоя топадиган адолат маскани сифатида тушунамиз.

Судлар фаолиятининг очиқлиги, ахборот олиш имкониятларининг кенгайиши, “ягона дарча” тамойили ҳамда фуқароларга процессуал кўмак бериш тизими одил судловни аҳоли учун янада манфаатли ва қулай қилади.

Албатта, судья қарор қабул қилишда ҳар қандай ташқи таъсир ва босимлардан холи бўлиб, фақат Конституция ва қонунга таяниши шарт.

Шу боис, судьяларни одил судловга алоқаси бўлмаган вазифалардан озод этиш, суд маъмурчилиги институтини жорий қилиш ҳамда моддий-техник таъминотни алоҳида тизимга ўтказиш уларнинг диққатини фақат холис одил судловга қаратишига асос бўлади.

Бу эса фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим институционал кафолати, демак.


Жиноят процессида суд назоратининг кучайтирилиши, хусусан, шахсни ушлаб туриш, гумон қилиш ёки айблов эълон қилиш асосларининг етарлилигини суд орқали текшириш ваколатининг берилиши — шахс дахлсизлигининг мустаҳкам мезони. Бу амалда “айбсизлик презумпцияси”ни таъминлайди.

Замонавий технологиялар асрида my.sud.uz порталини такомиллаштириш, унинг мобил иловасини ишга тушириш, интерактив мурожаат намуналари ва электрон излаш тизимини жорий этиш фуқароларнинг вақти ва маблағини тежайди. Энг муҳими, рақамлаштириш одил судловни инсондан узоқлаштирмайди, аксинча, уни халққа янада яқин қилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур фармон билан партиямизнинг Сайловолди дастурида адолатли ва мустақил суд тизимини яратиш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасида илгари сурилган тегишли таклифлари тўлақонли амалга ошмоқда. Ва бу ушбу ташаббусларимизнинг нақадар ҳаётий ва зарур эканини яна бир бор исботлайди.

Мухтасар айтганда, “Одил судлов – 2030” стратегияси янги мақсад ва вазифалар шунчаки қоғозда қолмай, ҳар бир фуқаро ҳаётида сезиларли натижа беришига ишонамиз.

Биз учун суд ислоҳотларининг энг муҳим мезони — қанча янги институт ташкил этилганида эмас, балки оддий фуқаро судга мурожаат қилганда, ўзини қанчалик ҳимояланган ва адолат қарор топганини ҳис қилишидадир.



МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида ўтган даврга назар ташлаб, босиб ўтилган мураккаб, аммо шарафли тараққиёт йўлини сарҳисоб қилар эканмиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадлар сари мардонавор интилиб, улкан ютуқларни қўлга киритганига гувоҳ бўламиз. Бу тарихий даврда юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳалари қаторида маданият ва санъат соҳаси ҳам туб ўзгаришлар, янгиланишлар ва юксалишлар даврини бошдан кечирди.



Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Мустақиллик йилларида ижод аҳлига бўлган эътибор мутлақо янги босқичга кўтарилиб, ижодий эркинлик борасида кенг имкониятлар яратилди. Маданият ва санъат намояндалари миллий мусиқа меросимизни чуқур ўрганиш ва асраб-авайлаш, унинг замонавий талқинларини яратиш, концерт-ижрочилик фаолиятини кенгайтириш, шунингдек, ўзбек санъатини халқаро майдонда муносиб тарзда намойиш этиш имкониятига эга бўлдилар.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кейинги йилларда мақом ҳамда бахшичилик санъати фестивалининг халқаро даражада мунтазам ўтказилаётгани ўзбек миллий мусиқа меросининг нуфузини янада оширди. Бу анжуманлар юртимизнинг бой маънавий мероси халқаро маданий мулоқотнинг ажралмас қисмига айланганини намоён этди.

Бинобарин, мустақилликка қадар етарлича эътибор берилмаган мақом ва бахшичилик санъатининг қайта тикланиши, давлат даражасида қўллаб-қувватланиши ва халқаро эътирофга эришиши миллий ўзлигимизни англаш ва маънавий тараққиётимизда беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон санъати ва маданиятини ривожлантириш ва унинг истиқболини белгилашда муҳим ҳисобланган кадрлар тайёрлаш масаласи тубдан ислоҳ қилинди. Бу борада санъат ва маданият таълимига ихтисослашган таълим муассасалари сони кўпайди, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлаш тизими замонавий талаблар асосида такомиллаштирилди.

Жумладан, Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали очилди. Бу қорақалпоғистонлик иқтидорли ёшларнинг пойтахтга келмасдан туриб ҳам юқори сифатли мусиқий таълим олиш имкониятини кенгайтирди. Нукус шаҳрида опера санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг ташкил этилиши эса узлуксиз кадрлар тайёрлаш тизимининг янада мукаммаллашувига замин яратди.

Ўзбекистон Давлат хореография академияси ва унинг Урганч филиали, шунингдек, Бухоро, Қарши ва Урганч шаҳарларида ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари ташкил этилди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус ва Қўқон филиаллари фаолияти йўлга қўйилди.

Яна бир муҳим қадам сифатида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилиб, ушбу даргоҳ мақом, бахшичилик ва миллий мусиқа анъаналарини асраб-авайлаш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда соҳа учун янги авлод ижодкорларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этди.

Бир нарсани мамнуният билан эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз ўзининг бой тарихи ва маънавий меросини тиклаш, уни муҳофаза қилиш ва улуғлаш борасида янги даврни бошлаб берди. Айниқса, сўнгги йилларда музейларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий талаблар асосида янги экспозиция ва кўргазмалар ташкил этиш, энг муҳими, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳиятини чуқур очиб беришга қаратилган кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Бугун музейлар халқимизнинг кўп асрлик тарихи, бой маданий мероси ва миллий ўзлигини намоён этувчи маънавий-маърифий марказларга айланиб бормоқда. Уларда намойиш этилаётган ноёб экспонатлар, тарихий ҳужжатлар, санъат асарлари ва археологик топилмалар орқали ёш авлод аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий салоҳияти ҳақида кенг тасаввурга эга бўлмоқда.

Шу маънода, пойтахтимизда қад ростлаган Ислом цивилизацияси маркази давлатимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятини бутун дунёга намойиш этиб, тарихий-маданий меросимизни улуғлаш борасидаги давлат сиёсатининг ёрқин ифодаси бўлди. Марказнинг барпо этилиши нафақат мамлакатимиздаги маданий-маърифий ҳаётда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида муҳим воқеликка айланди.

Мазкур марказда халқимизнинг бой тарихи, буюк аждодларимизнинг илмий ва маънавий мероси, ислом цивилизациясининг жаҳон тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси кенг ва таъсирчан тарзда намоён этилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, марказ ўтмишни ўрганиш ва тарихий меросни намойиш этиш билан чекланиб қолмай, том маънодаги маърифат ва илмий-тадқиқот маскани сифатида қад кўтарди. Бугунги кунда бу ерда турли халқаро анжуманлар, илмий конференциялар, тақдимотлар ва очиқ муҳокамалар ташкил этилиб, мамлакатимиз ва минтақамиз тараққиёти учун долзарб бўлган масалалар юзасидан фикр алмашилмоқда. Бу эса марказнинг илм-фан, маърифат ва халқаро илмий-маданий мулоқотни ривожлантирувчи муҳим платформа сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамламоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда академик мусиқа, хусусан, симфоник мусиқа санъати ривожида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Аввало, симфоник оркестрлар сони кўпайди, уларнинг ижро маҳорати, репертуари ва бадиий савияси янги босқичга кўтарилди. Энг муҳими, симфоник мусиқа фақат пойтахт доирасида қолиб кетмай, республика ҳудудларида ҳам мунтазам намойиш этилиб, халқимизнинг эътирофини қозониб улгурди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан кейинги йилларда мамлакатимиз симфоник оркестрлари хорижий гастроль сафарларини амалга ошириб, дунёнинг нуфузли концерт залларида муваффақиятли чиқиш қилмоқда. Бу эса Ўзбекистон мусиқа маданиятининг жаҳон стандартлари талабига тўлақонли жавоб беришга қодир бўлаётган салоҳиятини намоён этмоқда. Айниқса, Ўзбекистонда санъат ва маданиятни ривожлантириш жамғармасининг кўмаги билан Германия, Франция, Чехия, Япония, Корея, Россия каби давлатларнинг нуфузли саҳналарида намойиш этилган концертлар дунё жамоатчилигининг юксак эътирофига сабаб бўлди.

Сўнгги йилларда юртимизда миллий кино санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳада замонамизнинг миллий қаҳрамони образини яратиш, унинг Ватан тақдирига дахлдорлиги, фидойилиги, юртга садоқати ва муҳаббатини ёрқин акс эттирувчи, чуқур мазмун-моҳият ва юксак бадиий савияга эга фильмларни яратишга устувор аҳамият берилди. “Илҳақ”, “Амир Темур ва Донна Мария”, “101-рейс”, “Мерос”, “Қўқон шамоли”, “Журналист”, “Пуанкаре”, “Фариданинг икки минг қўшиғи” каби бадиий фильмлар соҳага қаратилган эътиборнинг ёрқин самараси бўлиб, миллий кино санъатининг мазмунан ва бадиий жиҳатдан бойиб бораётганини намоён этди.

Шу йилнинг ўзида ишлаб чиқарилган 8 та бадиий фильм (“Жасорат”, “Лангартоғ йўлида”, “Осмони фалакларда. Авиапарвознинг ягона қурбони”, “Самарқанд – афсона шаҳри”, “Осмони фалакларда. Осмон қироли”, “Сеҳрли чапақай”, “Журналист”, “Ўзбек арслони), 8 та ҳужжатли фильм (“Тоғ жангчиси”, “Мерганлар”, “Муштарак диллар”, “Қуроқ”, “5:23. Қайта туғилган Тошкент”, “Имом Бухорий мажмуаси”, “Миллат фахри”, “Мутлақ ёвузлик”), 2 та анимацион фильм (“Миқтивой”, “Зарбулмасаллар”), 7 та киножурнал миллий кино маҳсулотларининг тури ва мазмун-моҳияти тобора кенгайиб, соҳада янги ижодий изланишлар ва лойиҳаларга кенг йўл очилаётганини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда юртимиз кино ижодкорлари хорижий мамлакатлар, жумладан, Туркия, Озарбайжон, Венгрия ва Тожикистон каби давлатлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиб, бир қатор қўшма ижодий лойиҳалар асосида бадиий фильмларни яратиш борасида изчил иш олиб бормоқда. Бундай ижодий ҳамкорликлар миллий кино санъатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириш, тажриба алмашиш ва замонавий кино ижодий ёндашувларни ўзлаштириш учун муҳим имконият яратмоқда.

Шу билан бирга, ўзбек кино санъатининг энг сара намуналари жаҳоннинг нуфузли кино танлов ва фестивалларида муносиб иштирок этиб, юксак мукофот ва эътирофларга сазовор бўлаётгани қувонарлидир. Бу эса миллий киноижодкорларимизнинг маҳорати, ижодий салоҳияти ва юртимиз кино мактабининг ўзига хос анъаналари халқаро миқёсда тобора кенг тан олинаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон маданиятининг яна бир ноёб қатлами – унинг номоддий маданий мероси ҳисобланади. Ушбу меросимиз халқаро миқёсда ҳам юксак эътироф этиб келинаётгани алоҳида таҳсинга лойиқ. Бугунги кунда ЮНЕСКО ҳузуридаги Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига ўзбек халқи номоддий маданий меросига оид бўлган 17 та ноёб қадриятларимиз киритилди. Улар орасида “Шашмақом”, “Бойсун маданий анъаналари”, “Катта ашула”, “Аския – зукколик санъати”, палов билан боғлиқ маданият ва анъаналар, Наврўзни нишонлаш анъаналари, атлас ва адрас тайёрлашнинг анъанавий технологиялари, “Лазги”, миниатюра санъати, бахшичилик, ипакчилик ва анъанавий ипак тайёрлаш санъати, Хўжа Насриддин ҳақидаги анъанавий ҳикоялар, кулолчилик, наққошлик ва иллюминация санъати, ифторлик ва унинг ижтимоий-маданий анъаналари, рубоб ясаш ва чалиш санъати, қўбиз ва жиров ижрочилик санъати каби миллий маданиятимизнинг бетакрор намуналари ўрин олган. Бу эътирофлар халқимизнинг асрлар давомида шаклланган бой маънавий тажрибаси, ижодий салоҳияти ва анъаналарининг нафақат миллий, балки умуминсоний қадрият сифатидаги юксак аҳамиятини намоён этади. Энг муҳими, мазкур мерос намуналарининг халқаро миқёсда эътироф этилиши уларни асраб-авайлаш, авлоддан-авлодга етказиш ва замонавий ҳаётимизда янада кенг тарғиб этиш борасидаги масъулиятимизни ҳам оширади.

Бугун мамлакатимизда маданият ва санъатга жамият маънавий тараққиёти, инсон камолоти ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнининг муҳим стратегик йўналиши сифатида қаралмоқда. Миллий мусиқа, мақом ва бахшичилик санъати, театр, кино, хореография, музейлар фаолияти ҳамда замонавий ижодий индустрияларни ривожлантириш борасида яратилаётган шарт-шароитлар бунинг яққол далилидир.

Бугун ўзбек санъати ва маданияти миллий қадриятларимиз билан уйғун ҳолда замонавий тараққиёт талабларига мос равишда ривожланиб, халқаро маданий мулоқотнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Шу билан бирга, эришилган натижалар биздан бу йўлни изчил давом эттиришни, маданият ва санъат соҳасидаги ислоҳотларни янги мазмун билан бойитишни талаб этади.

Мустақилликнинг 35 йиллик шонли санаси эса биз учун нафақат ўтган давр ютуқларини сарҳисоб қилиш, балки Янги Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёти, миллий санъатимиз ва маданиятимизнинг янги юксак марраларини белгилаб олиш учун ҳам муҳим тарихий палладир.

Ишончимиз комилки, халқимизнинг бой маънавий мероси, ижодкорларимизнинг салоҳияти ва давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлар уйғунлигида ўзбек маданияти ва санъати келгусида ҳам юксак тараққиёт босқичларини забт этади.

Истиқлол берган имкониятлар

ҚАДРИ БАЛАНД мададкорлар

Саксон ёшни қаршилаётган Муборак она Олимжонова Избоскан туманида яшайди. Ўз даврининг қўли гул чеварларидан бўлган онахон невараси Гулноза унинг изидан бориб, шу касбни танлаганда қувонганди. Кўп ўтмай унинг дили янада яйради – тиниб-тинчимас невараси хусусий тикувчилик корхонаси очиб, фаолиятини кенгайтирди, йигирмадан ортиқ тенгдошларини иш билан таъминлашга эришди.

Ҳалимжон ТОҲИРОВ,
“Адолат” СДП
Избоскан туман кенгаши фаоли

Онахон неварасининг *“Берилаётган имконият ва имтиёзлардан фойдаланиб келажакда тадбиркорлик билан жиддий шуғулланмоқчиман. Ички ва ташқи бозорга болаларбоп кийим-кечакларни тайёрлаб, сотмоқчиман”*, деган гапларини эшитганда ишонинқирамади. Мана, бугун у таниқли тадбиркорлар қаторида тилга олинмоқда, меҳнатига яраша тақдирланяпти.

Муборак она бўлаётган ўзгаришларни кўриб, собиқ шўро даврида туман маиший хизмат комбинатида ишлаган кезларини эслайди. Бўш вақтларида у ҳар турли матолардан камзул, нимча, кўйлаклар тикиб, бозорга олиб чиқарди. У пайтларда савдо дўконларида бундай маҳсулотлар йўқлиги ё етарли эмаслиги учун чеварларнинг маҳсулотига эҳтиёж сезиларди. Ёйма бозорда маҳсулот сотаётганда туйқусдан пайдо бўлган “комиссия” уни ноқонуний савдогар сифатида сиқувга олди. Жамиятга доғ туширишда, чайқовчиликда, нопок йўл билан даромад топишда айблашди, маҳсулотларини мусодара қилишди. Машмашанинг давоми эртасига тикувчилик ателъесида давом этди. Маиший хизмат ходими шаънини булғагани учун қаттиқ муҳокама қилишди, охир-оқибат “нарса тайёрлаб бозорда сотмайман”, деган мазмунда тилхат ёздириб олишди.

Ўшанда у “қилмиши” учун ҳайфсан олганди, невараси эса йиллар ўтиб мукофотланмоқда. “Ҳа, ҳунармандниг, тадбиркорнинг қадри баланд кунлари келгани рост бўлсин”, дея ҳаяжондан энтикиб қўяди онахон...

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик ва хусусий секторни ривожлантириш йўлида катта қадамлар ташланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшигини очди. Иқтисодиётимизни рақамлаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, ёшлар ва инновацияларга ҳамда кичик бизнесга катта эътибор қаратиш — бугунги куннинг асосий устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада қай бир жабҳага назар ташламанг, туб ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Минглаб корхоналарда тайёрланаётган замонавий русумдаги маҳсулотларга нафақат ўзимизда, балки хорижда ҳам талаб юқори. Соҳа вакиллари аллақачон дунё бозорида ўз ўрнини топгани қувонарли.



“Ёш тадбиркорлар” танлови доирасида энг яхши 100 та ғоянинг ҳар бирига 1 миллиард сўмгача сармоя жалб қилиниши белгиланди. Давлат томонидан молиявий ва маркетинг хизматлари кўрсатилиши ёшларнинг илғор ғояларини амалиётга татбиқ этишга катта кўмак бўлди.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, жорий йил ўртасига келиб юртимизда 1 миллион 236 минг 126 та кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаётгани таъкидланди. Биринчи ярим йилликда 44 мингта янги кичик корхона ва микрофирма (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил этилди.

“Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш – бизнинг стратегик йўлимиз,” дея мамлакатимиз Президенти соҳада ишлаётганларга ҳар томонлама кўмак бериш муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Юртимизда бу соҳа иш ўринлари, инновация, рақобат, қўшилган қиймат ва экспортни кўпайтиришга энг катта туртки бераётган йўналишга айланди. Сўнгги беш йилда кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 карра кўпайди. Уларда 10 миллион 500 минг одам – жами иш билан банд аҳолининг 74 фоизи даромад топиб, рўзғор тебратяпти. Иқтисодиёт ҳажмининг ярмидан кўпи, саноат ва экспортнинг учдан бири шу соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келяпти.

Юқоридаги рақамлар мамлакатимиз иқтисодиёти учун кичик ва ўрта бизнес қанчалик муҳимлигини яққол кўрсатиб турибди. Президент шу боис бу йўналишни қўллаб-қувватлаш бундан кейин ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлишини қайта-қайта таъкидлайди.

Тадбиркор – элга мададкор. Ҳаётда исботини топган сўзлар аллақачон халқимиз юрагидан жой олган нақлга айланган. Чунки эл ишига камарбаста инсонлар доимо эъзозда.



КЎЗ ЁШЛАРДА

Ватан туйғуси

Мустақилликдек улуғ неъмат ва унинг нашидасидан баҳра олмаган юртдошимиз ёки бирон бир соҳа борми? Йўқ, албатта! Мамлакатимиз мустақиллигининг кейинги ўн йиллиги мисолида қарайдиган бўлсак, барча жабҳаларда тараққиёт, ривожланиш ва юксалиш бўлгани каби спорт соҳаси ҳам ривожланмоқда. Мамлакатимизда ёшларга бўлган ғамхўрлик, спортга қаратилган эътибор, яратилаётган замонавий спорт иншоотлари ва бошқа шарт-шароитлар ёш йигит-қизларни шундай илҳомлантирмоқда-ки, уларнинг шижоатларига нафақат ўзбекистонликлар, бутун дунё ҳамжамияти гувоҳ бўлишмоқда.

Абдукамол РАХМОНОВ,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

Ҳа, сўнгги ўн йил – Ўзбекистон спорти ҳаётида олтин ҳарфлар билан ёзилган навбатдаги тарих. Кўрсатилаётган ғамхўрликлардан оқилона фойдаланаётган юртимиз спортчилари 2016–2025 йиллар давомида Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида муносиб иштирок этиб, мамлакатимиз байроғини дунёнинг энг нуфузли спорт шоҳсупаларида баланд кўтаришга маваффақ бўлишди. Энг муҳими, бу даврда спортдаги натижалар нафақат медаллар сонининг ортиши, балки спорт турларининг кўпайиши, хотин-қизлар спортининг ривожланиши, ёш истеъдодларни кашф этиш ва Ўзбекистоннинг халқаро спорт майдонидаги мавқеи мустаҳкамланиши билан ҳам тавсифланади.

ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ: РИОДАН ПАРИЖГАЧА

2016 йил Рио-де-Жанейро Олимпиадаси Ўзбекистон спортчилари учун муваффақиятли кечганлигини яхши эслаймиз. Миллий олимпия делегацияси 4 та олтин, 2 та кумуш ва 7 та бронза – жами 13 та медални қўлга киритди. Ўшанда Ўзбекистон 206 давлат орасида 21-ўринни эгаллаган эди.

2021 йилда Токиода ўтказилган Олимпиадада Ўзбекистон делегацияси 3 та олтин ва 2 та бронза медалга сазовор бўлди. Мамлакатимиз 206 делегация орасида 32-ўринни, Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллади. Токиода Ўзбекистон номидан 17 спорт турида 71 нафар спортчининг иштироки ҳам мамлакатда олимпия ҳаракатининг кўлами кенгайганини кўрсатди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, 2024 йил Париж Олимпиадаси ўзбек спорти учун оламшумул тарихий воқеага айланди. Ўзбекистон терма жамоаси Парижда 8 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза – жами 13 та медаль жамғарди. Бу мамлакат мустақилликка эришганидан кейинги Олимпия ўйинларидаги энг юқори натижа бўлди. Ўзбекистон умумжамоа ҳисобида 206 давлат орасида 13-ўринни, Осиёда 4-ўринни ва Марказий Осиё ҳамда МДҲ давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллади.

Бу рақамлар Ўзбекистон спортчиларининг энг юқори натижаларга интилиши изчил давом этаётганини кўрсатади.

ПАРАОЛИМПИЯ – МАТОНАТ ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

Сўнгги ўн йилликда Ўзбекистон паралимпия спорти ҳам жадал тараққий этди. Жумладан, Рио-2016 Параолимпия ўйинларида Ўзбекистон 8 та олтин, 6 та кумуш ва 17 та бронза медаль олган бўлса, Токио-2020 Параолимпиадасида 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медалга эришди. Париж-2024 Параолимпиадасида эса натижа янада юқори бўлиб, спортчиларимиз 10 та олтин, 9 та кумуш ва 7 та бронза – жами 26 та медаль билан 170 давлат орасида 14-ўринни эгаллашди.

Айниқса, Парижда пара енгил атлетикасида Ўзбекистон 8 та олтин, 4 та кумуш ва 4 та бронза медаль билан ушбу спорт турида 6-ўринни эгаллагани эътиборга молик. Бундай натижалар имконияти чекланган инсонлар учун спорт билан шуғулланиш имконияти тобора ортиб бораётганини ҳам кўрсатади.

БОКС – ЭНГ КУЧЛИ СПОРТ МАКТАБЛАРИДАН БИРИ

Сўнгги йилларда ўзбек бокси дунёдаги энг кучли мактаблардан бири сифатида ўз мавқеини янада мустаҳкамлади. 2023 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган эркаклар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 5 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон терма жамоаси мусобақанинг “Энг яхши жамоаси” деб топилди, Ҳасанбой Дўсматов эса чемпионатнинг энг яхши боксчиси деб эътироф этилди.

2024 йил Париж Олимпиадасида ҳам ўзбек боксчилари 5 та олтин медаль билан бокс бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар.

2025 йилда эса ўзбек боксининг янги йўналиши – аёллар боксида ҳам тарихий натижа қайд этилди. Сербияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон аёллар терма жамоаси биринчи марта 1 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритди. Навбаҳор Ҳамидова жаҳон чемпионати финалига чиққан биринчи ўзбек аёл боксчисига айланди.

ДЗЮДО, ТАЭКВОНДО ВА КУРАШДА ЯНГИ АВЛОД

Охирги йилларда дзюдо ва таэквондо соҳаларида ҳам ўзбек спорт мактабининг салоҳияти яққол намоён бўлди.

Париж-2024 Олимпиадасида Ўзбекистон дзюдочилари тарихидаги энг яхши натижани қайд этди. Диёра Келдиёрова олтин медални қўлга киритган бўлса, Музаффарбек Тўрабоев ва Алишер Юсупов бронза медалларига сазовор бўлдилар.

2025 йил Тошкентда ўтказилган дзюдо бўйича “Катта дубулға” турнирида Ўзбекистон терма жамоаси 1 та олтин, 3 та кумуш ва 8 та бронза – жами 12 та медаль олди. Бу натижа мамлакат терма жамоасининг мазкур мусобақалардаги медаллар сони бўйича рекорди сифатида қайд этилди.

ФУТБОЛДА ТАРИХИЙ ҚАДАМ

Ўзбек футболи ҳам жаҳонда бўй кўрсатди. 2025 йил 10 июнь куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жаҳон чемпионати саралашининг ҳал қилувчи босқичида Қатар устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, тарихда биринчи марта футбол бўйича Жаҳон чемпионати финал босқичига йўлланма олди. Шу тариқа кўп йиллик орзу рўёбга чиқди.

МДҲ давлатлари орасида ягона натижа сифатида ўзбек футболининг жаҳон майдонига чиқиши оддий муваффақият эмас, мамлакат нуфузини кўрсатувчи тарихий воқеадир.

Ўзбекистоннинг спортдаги ютуқлари бу каби спорт турлари билангина чекланиб қолмаяпти. Сўнгги йилларда қиличбозлик, таэквондо, енгил атлетика, карате, самбо ва бошқа спорт турларида ҳам халқаро майдонда салмоқли натижалар қайд этилмоқда.

ИНТЕЛЛЕКТ МАЙДОНИДАГИ ЎЗБЕК ФЕНОМЕНИ

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, спорт ҳақида гап кетганда кўпинча ринг, татами, стадион ва олимпия шоҳсупалари кўз олдимизга келади. Аммо спортнинг шундай бир тури борки, унда жанг майдони – 64 катак, қурол – ақл, куч эса – тафаккурдир.

Ҳа, сўнгги ўн йилликда Ўзбекистон шахмати ҳақиқий феноменга айланди.

2022 йил Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилган 44-жаҳон шахмат Олимпиадасида Ўзбекистоннинг ниҳоятда ёш терма жамоаси тарихий ғалабани қўлга киритди. Жамоа финал турда Нидерландияни 2,5:1,5 ҳисобида енгиб, Олимпиада чемпиони бўлди.

Ўша жамоанинг етакчиси атиги 17 ёшли Нодирбек Абдусатторов эди.

Жамоа таркибида Абдусатторов билан бирга Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Яқубоев, Шамсиддин Воҳидов ва Жаҳонгир Воҳидов каби ёш шахматчилар бор эди.

Бу ғалаба Ўзбекистонда шахматнинг янги авлоди пайдо бўлганлигидан далолат эди.

2023 йилда Самарқанд шаҳри жаҳон шахматининг энг нуфузли мусобақаларидан иккитаси – рапид ва блиц чемпионатларига мезбонлик қилди. Самарқанд нафақат маданият шаҳри, балки замонавий шахмат марказларидан бири сифатида ҳам дунё эътиборига тушди.

ФИДЕ 2024 йилда Ўзбекистонда шахмат жадал ривожланаётганини қайд этиб, мамлакатда жаҳоннинг кучли 100 шахматчиси қаторига кирувчи беш нафар шахматчи борлигини таъкидлагани ҳам бежиз эмас. Чунки шахматда дунё рейтингида топ-100га киришнинг ўзи улкан натижа. Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси 45-Жаҳон шахмат Олимпиадасида бронза медалини қўлга киритди.

Ўзбекистон шахмати 2025 йилда яна бир тарихий босқичга кўтарилди. Жавоҳир Синдоров Жаҳон шахмат кубоги ғолиби бўлди. У 19 ёшида ушбу нуфузли мусобақада ғолиб чиқиб, тарихдаги энг ёш Жаҳон кубоги чемпионига айланди. Синдоровнинг ғалабаси бутун дунё шахмат жамоатчилигининг эътиборини Ўзбекистонга қаратди.

Энг муҳими, ғалабалар бардавом бўлмоқда. 2026 йил апрель ойида Жавоҳир Синдоров тарихда биринчи марта Ўзбекистон вакили сифатида жаҳон чемпионлиги учун номзодлар турнири ғолиби бўлди.

Ҳа, бугун Ўзбекистонда шахмат оммавий ҳаракатга айланмоқда. 2025 йилнинг биринчи ярмида “UzChess” лойиҳаси доирасида Андижон, Жиззах, Бухоро ва Наманган вилоятларида турли ёш тоифалари бўйича чемпионатлар, Тошкентда эса халқаро турнирлар ўтказилди.

Уларда 16 минг нафардан ортиқ ёш шахматчи иштирок этди. Мусобақаларда 23 нафар хорижлик гроссмейстер қатнашиб, истиқболли ёш шахматчилар сараланди. Бу оддий рақамлар эмас. Бу 16 000+ ёш ўзбек шахматчилари демакдир. Уларнинг орасида, албатта, эртанги жаҳон чемпиони ҳам бор.

Шу ўринда айтиш жоизки, Президентимизнинг спортга эътибори бежиз эмас. Футбол болага жамоада ҳаракат қилишни ўргатса, бокс жасоратни, кураш матонатни, шахмат эса фикрлашни ўргатади. Давлатимиз раҳбарининг севимли фарзандлари қаторида Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Яқуббоев, Шамсиддин Воҳидов, Жаҳонгир Воҳидовлар – нафақат 64 катак ғолиблари, улар Ўзбекистонда янги интеллектуал спорт авлоди шаклланаётганлигининг далилларидир.

Менинг қалбимни ларзага солган яна бир воқеа аслида ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Бу ватандошимиз жажжи Исфандиёрнинг жаҳон футбол майдонида Ватанимиз шаъни учун оқизган кўз ёшлари бўлди. Унинг қалқиб оққан кўз ёшларида Ватанга муҳаббат туйғуси намоён эди. Шундай туйғу ҳар бир ватандошимизнинг қалбида намоён бўлсин.

Меҳнат қадрланса, МАСЪУЛИЯТ ОШАДИ

Тадбиркорлик – фақат даромад олиш эмас. Унинг ортида янги иш ўринлари, инсонлар тақдири, оилалар фаровонлиги ва ҳудуд иқтисодий салоҳияти турибди. “Чинобод қурилиш” хусусий корхонасини ривожлантириш жараёнида турли синовларни бошдан кечирдик. Ҳар бир эришилган натижа ортида ҳалол меҳнат, сабр, изланиш ва жамоавий ҳаракат бор.

Бугун мамлакатимизда тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилаётгани бизга нафақат шароит, балки катта масъулият ҳам юкламоқда. Яратилган имкониятларга муносиб бўлиш, янги иш ўринлари яратиш, одамлар фаровонлиги ва юрт тараққиётига амалий ҳисса қўшиш – ҳар бир тадбиркорнинг бурчидир.

Депутат сифатида эса бу масъулиятни янада чуқур ҳис қиламан. Аҳоли мурожаатларини эшитиш, инсонларни қийнаётган масалаларга ечим излаш, тадбиркорлар ва юртдошларимизнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ўзим учун муҳим вазифа, деб биламан.

Чунки депутатлик – унвон эмас, халқ олдидаги ишонч. “Адолат” СДП вакили сифатида инсон манфаати, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойилларини амалий фаолиятимда устувор, деб биламан.

“Меҳнат шуҳрати” ордени мен учун фаолиятимнинг якуни эмас, аксинча, янги масъулиятнинг бошланишидир. Билдирилган ишончни янги натижалар, янги ташаббуслар ва янада самарали меҳнат билан оқлашни ўзимнинг асосий вазифам, деб ҳисоблайман.

Ушбу юксак эътироф учун давлатимиз раҳбарига, юртимиз раҳбариятига самимий миннатдорлигимни билдираман.

Зеро, мукофот – меҳнатга берилган эътироф. Аммо унинг ҳақиқий қадри – ана шу ишончни кейинги ишлар, янги натижалар ва халққа хизмат билан оқлай олишда.

Ҳикмат

Ҳалол касбдан чарчаб ухлаган одам гуноҳлари кечирилган ҳолда дам олади.

ҲАДИС


Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади.

Абу Наср ФАРОБИЙ



Мулоҳаза қилмай китоб ўқимоқ — хушманзара табиат қўйнида кўзни юмиб сайр этмоқдек гап. Турмуш ташвишларидан чалғиш учун эмас, ҳаётни чуқурроқ билиш учун мутолаа қилмоғимиз керак.

Китобга димоғдор муаллим қаршисидаги журъатсиз ўқувчидек эмас, энг баланд чўққини забт этмоққа шай шижоатли алпинист каби ёндашмоқ лозим.



Ҳерман ҲЕССЕ

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Наримон УМАРОВ, Озода ПАРПИБОЕВА, Муҳаммад АЛИ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Гавҳар АЛИМОВА, Абдукамол РАҲМОНОВ, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Собир ТУРСУНОВ

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Навбатчи муҳаррир – Абдуқаюм Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 801

Адади – 4 004
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.